

---

## Қорамолчиликда сунъий уруғлантиришнинг замонавий усуллари мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди

Фурқат туман ҳокимлиги биносида Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти Жанубий Кореянинг Ўзбекистондаги КОРІА маркази билан илмий ҳамкорликда ветеринария ва чорвачиликни ривожлантириш бўлими, тумандаги фермер хўжаликлари раҳбарлари иштирокида қорамолчиликда сунъий уруғлантиришнинг замонавий усуллари мавзусида илмий-амалий семинар бўлиб ўтди.

Чорвачилик ва паррандачилик илмий-тадқиқот институти КОРІА маркази билан илмий ҳамкорликда 2018 йилдан ёш қорамолларни парваришlash, озиклантириш ва бўрдоқилashда Кореянинг TMR технологиясини қўллаш бўйича тадқиқотларни амалга оширmoқда.

Семинар давомида КОРІА маркази илмий ходимлари томонидан қорамолларни парваришlash, озиклантириш ва бўрдоқилashда TMR технологияси орқали озуқа сарфи 30 фоизга қисқариши, қорамолларнинг ўсиши 20 фоизга, озуқаларнинг ҳазмланиш даражаси 20 фоизга ортиши, гўштнинг сифати яхшиланиб мармарсимон гўшт етиштириш усуллари ҳақида батафсил маълумотлар берилди.

2022-10-03 09:11:02